

Ўғил-қиз яхши бўлса,
Ота-она хурсанд.
Ўғил-қиз доно бўлса,
Элу юрт хурсанд.

Ўзбек халқ мақоли.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 11-yanvar, chorshanba №3 (8444)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 январь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари учрашувда Корея Республикаси Ўзбекистон учун вақт синовидан ўтган ва ҳар томонлама ишончли стратегик ҳамкор бўлиб келгани ва шундай ҳамкор бўлиб қолаётганини, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда чуқур модернизациялаш бўйича йирик миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этишда изчил қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлади.

Пак Хи Тэ Ўзбекистон Президентини 29 январь куни нишонланадиган давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан самимий қутлади. У Корея Республикаси раҳбарияти ва Миллий Ассамблеяси мамлакатларимиз ўртасида қарор топган конструктив ва самарали давлатлараро муносабатларни юқори баҳолашини, икки томонлама алоқаларни янада ривож-

лантиришга алоҳида аҳамият берилини қайд этди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплади. Бу узоқ муддатли ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун пухта замин яратмоқда. Томонлар ўртасида салмоқли ва кўп қиррали шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2011 йил август ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантиқий давоми бўлди ва томонларнинг ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этиш йўлидаги қатъий сиёсий азму шижоатини яна бир бор намоиш этди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари "Сурғил" кони негизида ўз

қўлами ва жалб этилаётган янги технологиялар бўйича мислсиз бўлган, қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларига тенг Устурт газ-кимё мажмуи курилиши лойиҳасини амалга оширишга старт бердилар.

Учрашувда юқори даражадаги парламентлараро алоқалар Ўзбекистон — Корея муносабатларини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик барқарор кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жанубий Корея томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган сармоялар ҳажми 5 миллиард, шундан ўзлаштирилганлари эса 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда.

Навоий шахри халқаро аэро-

порти ҳудудидаги трансконтинентал интермодал хабни бошқараётган "Кореан Эйр" авиакомпанияси фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Бу ердан ҳар ҳафта Осиё ва Европанинг йирик минтақавий иқтисодий ва молиявий марказларига 24 тагача парвозлар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея бизнеси вакиллари "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўзаро манфаатли қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Тонг бокиралиги ўлкаси билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривож топа-япти. Хусусан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) дастурлари доирасида Ўзбекистон вазирилик ва идораларининг бир ярим мингга яқин вакили Корея Республикасида малака оширди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

ЎЗА

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: АСОСИЙ МАҚСАДЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР



Узлуксиз таълим тизими, хусусан, касбий таълимни ривожлантириш бора-сида белгиланган устувор мақсадларни амалга ошириш, мамлакат иқтисодиёти-нинг мураккаб ҳамда кўп турдаги эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган етук кадрлар тайёрлашнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш тақозо этилади. Шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий соҳалардаги бугунги илгор ўзгаришлар, таълим тизимининг моддий-техник базаси тубдан янгиланаётгани, таълим муассасаларида янги техника ва технологиялар, АКТдан кенг фойдаланиш йўлга қўйлаётганининг назарда тутилган ҳолда Миллий моделининг мазмун ва моҳияти, уни амалга ошириш жараёنларига доир олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини ҳам такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Шу тариқа Миллий дастурда яқин йилларда ҳамда истиқболда бажарилиши белгиланган вазифаларни ишончли ёндашув асосида

амалга ошириш ҳамда унинг механизмларини ишлаб чиқиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашда давлат таълим сиёсатининг асосий тамойиллари, мақсадли кўрсатмалари, унинг шахсга, баркамол авлоднинг тарбиялашга йўналтирилганлиги ўзгаришсиз қолиши муқаррардир. Вақт ўтиши билан жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги чуқур ислохотлар, уларнинг мамлакатдаги жадал ривожланишига таъсири, натижалари Миллий дастурни амалга оширишда янги талаблар қўймоқда, тегишли устувор вазифаларни ҳал қилиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Бу талаб унинг мазмунини (2.2.-бўлим)да берилган ҳозирги босқич вазифаларида ўз аксини топган: "... тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш".

(Давоми 8—9-бетларда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

Етакчи кластер мактаблари:
ИМКОНЯТДАН ҚАНДАЙ
ФОЙДАЛАНИМОҚДА?

3-бет

**ЗИЁЛИ
ХОНАДОН**

7-бет

**ОЛТИН
БЕЛАНЧАК**

11-бет

**ЭҲТИЁЖЛАР
ЧЕГАРАСИ**

Ёхуд яратилган
қулайлик қачон
зарарга хизмат
қилади?

12-бет

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2012 йилги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминлини, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган кўрсаткичлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик Палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

2011 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион 937 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хиз-

матлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2010 йилнинг шу давriga nisbatan 122,4 foizni tashkil etdi. Аҳолига 1 триллион 614 миллиард (120,5 foiz) сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестициялаб берилган устувор вазифалар лойиҳалар бўйича 315,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблаг ўзлаштирилди ёки режага nisbatan 214 foizga bazariladi. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 162,6 foizni tashkil etdi.

Йиғилишда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида Комплекс таркибидидаги вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилган ишлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига расмий веб-сайтлар орқали ахборот бериш ва интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар тахлил қилинди.


Шунингдек, 2011 йилда болалар спорти объеклари, сузиш хавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш манзилли дастурларининг бажарилиши, спорт объектларидан

фойдаланишнинг самардорлигини ошириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув адабиётлари, дарсликлар билан таъминлашни янада яхшилаш, касб-хунар коллежлари 3-курс ўқувчиларининг аниқ иш жойларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташини ташкил этиш, бу йўналишда таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини такомиллаштириш борасидаги ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Комплекс йиғилишида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг ҳолати, соғлиқни сақлаш тизимида хусусий тиббиёт муассасаларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболдаги режалар, республикада педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари фаолиятини янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик Палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

ЎЗА



Олмазор туманидаги 22-мактабда фанлар олимпиадасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги 31та мактабдан 925 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этиб, билим ва салоҳиятини кўриқдан ўтказди.

Фанлар олимпиадасини намунали ташкил этиш мақсадида кимё, физика ва биология фанларидан амалий синовлар ўтатилган хоналарда замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа зарур воситалар тахт ҳолга келтирилди. Шунингдек, иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг овқатланишини йўлга қўйиш учун шароитлар яратилди. Фанлар олимпиадасининг адолатли ва ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳолис эксперт ўқитувчилар, аудитория кузатувчилари ва апелляция аъзолари рўйхати тузиб чиқилди. Шунингдек, унинг ўтказилишида ота-оналар вакиллари ҳам кузатувчи сифатида бевосита иштирок этдилар.

Тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида ўқувчилар билими муносиб баҳоланиб, ғолиб ўқувчилар наватбадаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Баҳоидир АЛИКУЛОВ
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ" RESPUBLIKA TANLOVI ФОЛИБЛАРИ

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

1-ўрин

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги нашри — "Ватанпарвар" газетаси жамоаси (бош муҳаррир — Алижон Сафаров)

2-ўрин

Елена Кузнецова — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вазирлиги тахририяти бўлим мудири

3-ўрин

Баҳодир Валиев — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати бош мутахассиси

ТЕЛЕВИДЕНИЕ:

1-ўрин

"Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Ватанпарвар" кўрсатуви ижодий гуруҳи (гуруҳ раҳбари — Хулқар Тўраева)

2-ўрин

ЎЗНТТ ахборот маркази (марказ раҳбари — Жасур Шерматов)

3-ўрин

Дилноз Муртазаева — Ўзбекистон миллий телерадиоканали "Спорт" телерадиоканали муҳаррири

РАДИО:

1-ўрин

Гулмира Ражабова — Ўзбекистон миллий телерадиоканали "Ўзбекистон" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳаррири муҳаррири

2-ўрин

Алижон Холов — Фарғона вилояти телерадиоканали "Фарғона" радиоканали муҳаррири

3-ўрин

Аминбой Давлетов — Ўзбекистон миллий телерадиоканали "Машъал" радиоси катта муҳаррири

ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКА:

1-ўрин

Холмурод Салимов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги —

ЎзАнинг маҳаллий ахборот тахририяти бош муҳаррири ўринбосари

2-ўрин

Зухра Оймаматова — "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири

3-ўрин

Камиль Миргалаутдинов — "Правда Востока" газетасининг масъул котиби ўринбосари

РАФБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР СОҲИБЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

1. Қиличбой Ажибаев — "Еркин Қарақалпақстан" газетасининг маъсус муҳбири

2. Раҳим Мақсудов — "Қизилтепа тонги" газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)

3. Гулмира Отажонова — Ўзбекистон миллий телерадиоканали "Тошкент" телерадиоканали ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

1. Хуршид Рўзиев — Тошкент

вилояти Ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлиминининг ОАВ билан алоқалар гуруҳи инспектори

2. Саъдулла Шодиев — "Постда" — "На посту" газеталари ва "Қалқон" — "Шит" журнали бирлашган тахририяти бўлим мудири

3. Гулзат Қурбонова — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли "Вақт" — "Время" газеталари муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

1. Комилжон Абдунабиев — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари

2. Сергей Левченко — "Народное слово" газетасининг бўлим мудири

3. Бехзод Қодиров — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоси "Ишонч" телерадиоканали "Ёшлар" студияси муҳбири (Сурхондарё вилояти).

Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган замона-мизни кимдир юксак технологиялар, кимдир тафаккур асри деса, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқда. Интернет, компьютер, уяли алоқа воситалари ва бошқа мультимедиа кашфиётлари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Бу каби технологиялар, мультимедиа воситалари-дан тўғри ва оқилона фойдаланилса, жамият ва шахс ривожига хизмат қилиши шубҳасиз. Жумладан, таълим тизими ривожда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, ундан самарали фойдаланишнинг аҳамияти бекиёс.

Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокида «Умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси доирасида республикамиз мактабларида етакчи кластер мактаблари ташкил этилди.

мактабда ташкил этилган етакчи кластер мактаби вилоятда илғор тажрибага эга. Мактабда «Bahou.uz» сайти орқали 120 нафар ота-она фарзанди таълим-тарбияси, мактабдаги янгиликлардан бохабар бўлиб бормоқда.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўқувчилар МДХ ва халқаро миқёсдаги сиртки олимпиадаларда ҳам иштирок этишмоқда. Мисол учун, Чуст туманидаги 58-мактабнинг 9-синф ўқувчилари Дилшод Калон ва Махлиё Ҳасимова 2010 йилда бўлиб ўтган

дарсларни ташкил этишда мавжуд имкониятлардан фойдаланишмоқда. Айниқса, «Очиқ дарс»лар, танловлар, тадбирларга тайёргарлик жараёнида, дарсларни янада қизиқарли ташкил этишда кластер хонаси қўл келмоқда. Етакчи кластер мактабининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида, мактабимизга бириктирилган мактаблар ўқитувчилари учун компьютердан фойдаланган ҳолда дарс ташкил этиш бўйича ўқув-машгулотлар олиб борил-япти. Дарсларнинг электрон

Dolzarb mavzu

фан олимпиадалари, билим-лар беллашувларида ҳам етакчи кластер мактаблари яқин кўмакчи вазифасини ўтамоқда.

Чиндан ҳам бугун таълим муассасаларида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ташкил этиш замон талаби, давр тақозосига айланди. Бу эса дарсларнинг янада қизиқарли ва маълумотларга бойлигини таъминламоқда. Аммо айрим мактабларимизда яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслик, ишга маъсулиятсизлик билан ёндашиш ҳоллари ҳам учраётгани кишини таъвишлантиради. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида юқоридаги каби ютуқлар билан биргаликда айрим мактабларда ана шундай салбий манзараларга ҳам гувоҳ бўлдим. Мисол учун, Тўрақўрғон туманидаги 13-мактаб етакчи кластер мактаб сифатида белгиланган бўлса-да, мактаб директорининг етакчи кластер мактаблари ташкил этилишининг мақсад ва вазифалари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, тумандаги 9-мактаб раҳбарияти ҳам ҳали-ҳамон етакчи кластер мактаблари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Бу эса табиийки, етакчи кластер мактабларида амалга оширилиши кўзда тутилган ишларнинг самарали ташкил этилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Яратиб берилган ҳар бир имкониятдан тўғри ва оқилона фойдаланган ҳолда иш ташкил этилсагина кўзланган мақсадга етиш мумкин. Акс ҳолда сарфланаётган маблағлар-у, қилинаётган сазъи-ҳаракатлар бесамар кетади. Zero, бугунги кун ўқитувчисига дарсни муқаддас деб билиши, ишига виждонан ёндашиши, дарсига замон нафасини олиб кириши учун барча шaroitлар яратилган.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Етакчи кластер мактаблари:

ИМКОНИЯТДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

— Ўқитувчи ва мактаб ходимларининг касб маҳоратини ошириш тизимини ташкил этиш, ўқув-методик ресурсларни ишлаб чиқиш ва бошқарувни қўллаб-қувватлаш каби мақсадларни ўз ичига олган лойиҳадан самарали фойдаланиш йўлида вилоятимиз мактабларида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот-коммуникация технологиялари бўлими мутахассиси Неъматжон Раҳмонов. — Вилоятимиздаги 49та етакчи кластер мактаби сифатида ҳудудий қўлай жойлашган, модел вазифасини бажарувчи, моддий-техник базаси етарли, илғор педагог кадрларга эга таълим муассасалари белгиланди. Улар бошқа мактабларга методик ёрдам кўрсатиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида фаолият юритиб, малака ошириш курсларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш, электрон ўқув дастурлари ва ресурсларини бошқа мактабларга етқа-

зишга ҳисса қўшмоқда. Етакчи кластер синфхоналаримиз ўқувчи ва ўқитувчилар учун компьютер ва қўшимча қурилмалар, мебель жиҳозлари билан таъминланган, Интернет тармоғига уланган.

Шунингдек, етакчи кластер мактаблари ўқитувчилари учун ўқув-тренинглари ташкил этилди. Дастлаб Наманган шаҳридаги 52-мактабда вилоят семинари ўтказилиб, ишчи гуруҳлари томонидан зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида ўтган йилнинг 15 ноябрдан 11 декабригача ҳудудий ўқув-тренинглари ташкил этилди. Халқ таълими бошқармасининг буйруғига асосан етакчи кластер мактабларининг 5тадан фан йўналишидаги 270 нафар ўқитувчиси ўз мутахассисликлари бўйича малакасини оширди. Ушбу имкониятлардан етакчи кластер мактабларига бириктирилган мактаблар, яқин ҳудуддаги маҳалла ўсмирлари ва ота-оналар ҳам фойдаланишаётгани шавқонarli.

Наманган шаҳридаги 11-

МДХ давлатлари ўртасидаги сиртки олимпиадада тарих ҳақида кимё фанларидан иштирок этиб, 2 ҳамда 3-ўринларни эгаллашди. Етакчи кластер мактаблари ўртасида дастурлаш тизими бўйича Бухорода ўтказилган «Дастури-ўқитувчи» республика танловида Қосонсой туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси Раҳимжон Фозилов 2-ўринни қўлга киритди.

— Бизнинг таълим муассасамиз ҳам етакчи кластер мактаб этиб танланган бўлиб, унга ҳудуддаги 8-, 48-, 46-, 9-, 38-, 51-мактаблар бириктирилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан 22та компьютер жамланмаси, веб-камера, проектор, рангли ва оқ-қора принтерлар, рақамли фотоаппарат, совутиш қурилмалари, интерфаол доска, мебель, телевизор ва бошқа зарур жиҳозлар етказиб берилди, — дейди Чортоқ туманидаги 47-мактаб директори Маҳаммадjon Мўминов. — Ўқувчи ва ўқитувчиларимиз нафақат информатика фанида, балки бошқа фанларда ҳам

дарслик ва қўлланмалар ёрдамида ўтилиши ўқувчиларда фанларга нисбатан қизиқишни оширмоқда. Бу борада кўпчилик ота-оналар фарзандлари билан биргаликда вазифаларни бажаришади. Тўғри тушунтириш ишлари олиб борганимиз натижасида айрим ота-оналар фарзандлари учун ҳатто компьютер ҳам харид қилиб, ўз уйида «Bahou.uz» сайти орқали фарзандлари ўзлаштириши, баҳоларини мунтазам назорат қилиб боришмоқда.

— Кластер хонамиздаги имкониятлардан барча қизқувчилар фойдаланишмоқда, — деди мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Анваржон Солиев. — Уларга зарур маслаҳат ва билимларни бериб бормоқдамиз. Интернет хизмати орқали ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам керакли маълумотларни олишмоқда. «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ёрдамида дарсларнинг янада қизиқарли бўлишига эришялмиз.

Шунингдек, мактабларда ўқувчилар ўртасида ўтаётган

ЎҚИТУВЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШМОҚДА



Дарс — муқаддас. Бу фикр бугун ҳар бир ўқитувчи-педагогнинг дилидан жой олди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шу номдаги тавсиялар нафақат фан ўқитувчилари, балки, синф раҳбарлари, директор ўринбо-

сарлари ҳамда методбирлашма раҳбарларининг ҳам энг яқин кўмакчисига айланди. Пойтахтимиздаги 102-мактабда «Дарс — муқаддас» тавсиясида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган «Дўст — дўстликда тоблалар, билим — тортишув-

да» номли семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда мактабнинг барча фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, «Устоз-шоғирд мактаби» аъзолари, методистлар иштирок этиб тавсиянинг педагоглар фаолиятидаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳаза юритдилар. Айниқса, фан ўқитувчилари ушбу тавсиядан йиллик тақвим-режа ва кундалик тайёргарлик жараёнида унумли фойдаланаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Ушбу тадбирда асосий эътибор ўқитувчиларимизнинг тавсия асосида олиб бораётган ишларини методбирлашмалар кесимида таҳлил қилишга қаратилди, — дейди мактаб раҳбари Г.Эргашева. — Ўқитувчиларимизнинг ҳар бир дарсни муқаддас билиб, унга



масъулият билан ёндашаётгани семинар давомида аниқланди.

Шунингдек, тадбир давомида илм масканида тавсиядан келиб чиққан ҳолда «Тенгдошлар» тизимини йўлга қўйиш таълим самарадорлигини оширишга катта ёрдам бераётгани, «Тартиб посбони» эса ўқувчиларда ўз-ўзини

бошқариш, ўзаро ҳурмат ва ташкилотчилик хусусиятларини шакллантиришнинг муҳим омили бўлаётгани хусусида фикрлар билдирилди.

МУХБИРИМИЗ
Суратларда: тадбирдан лавҳа акс этган.
А.ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.



❖ **Корақалпоғистон Республикасидаги oliy таълим муассасаларида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

Бердақ номидаги Корақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз асарининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий аҳамияти, ёшлар тарбиясида тутган ўрни ҳақида сўз юритилди.

Китобда миллий истиқлолга эришиш, демократик давлат барпо этиш йўлида узққни кўзлаб олиб борилган халқчил сиёсат, мустақиллик ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилмагани, эски тузум даврида қотиб қолган сиёсий қарашлар авж олган, парокандалик кучайган, эртанги кунга халқнинг ишончи йўқолган мураккаб бир пайтда Ислоҳ Каримовнинг янги ғоялар, тамойиллар асосида иш юритгани, бу жараёнда юксак жароат намуналарини кўрсатгани аниқ далиллар, ҳаётий мисоллар асосида баён этилгани таъкидланди.

Анжуманда Президентимиз китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, асар ҳақида юқори технологиялар асосида видеодарсликлар яратиш, ўқув-семинарлар ташкил этиш юзасидан oliy таълим муассасалари олдига турган вазифалар белгилаб олинди.

❖ **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари куни байрамига бағишланган мазкур танловга телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишлари бўйича юздан зиёд журналистдан бир ярим мингга яқин ижодий иш тақдим этилди. Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мустақил ихдоркорлар иштирок этди.

Танлов ғолибларига замонавий ноутбуклар, 2-ўрин соҳибларига компьютер тўғламлари, 3-ўринни эгаллаганларга замонавий рақамли телевизорлар топширилди.

Бир қатор журналистлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан таъсис этилган рағбатлантирувчи муқофотлар билан тақдирланди.

Тадбирда мамлакатимиз Куролли Кучларини, юртимиздаги тинчлик ва фаровонлиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

❖ **Олмазор туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида «Махсус таълимни такомиллаштириш омили» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети дефектология кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтдаги махсус мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари, жисмонан имконияти чекланган ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда махсус таълимни ривожлантириш жараёнида кадрларнинг ўз устида ишлаши, методбириш аъзоларнинг таълим самарадорлигини ошириш йўлидаги вазибалари, ўқитувчи, тарбиячи ва сурдопедагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи атрофида муҳоама қилинди. Шунингдек, ўқувчиларнинг узвий ва узлуксиз таълим-тарбия олиши билан бирга маънавий тарбиясини юксалтириш, фаровон келажagini таъминлаш мақсадидаги тўғарак ва машғулотлар фаолияти таҳлил қилинди.

Мактаб-интернатда ташкил этилган фан ойлиқлари доирасидаги кўргазма, ўқувчиларнинг кўл меҳнати эвазига яратган миллий либослари намойиши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ТАБИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Тошлоқ туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшмаса қўмитаси ҳамкорлигида табиий фанлар ўқитувчиларининг анжумани ташкил этилди.

Анжуман таълим муассасалари томонидан тайёрланган кўргазмалар намойиши билан бошланди. Табиий фанлар ўқитувчилари томонидан тақдим этилган кўш ва сутэмизувчилар макети, 41 турдаги 209 хил табиий гуллар, шунингдек, туманимиз табиатида бағишланган деворий газеталар иштирокчиларга завқ бағишлади.

Конференция иштирокчилари мактабда ташкил этилган география, кимё, биология, физика фан ка-

бинетларининг жиҳозланиши билан ҳам яқиндан танишдилар.

Анжуман ишида Фарғона давлат университети доценти М.Назаров, биология фанлари номзоди М.Абдуллаева, фахрий ўқитувчилар А.Қамчиев, Ҳ.Мирзаматов ўзларининг илмий, методик маърузалари билан иштирок этдилар. Иштирокчиларга табиий фанларни ўқитишдаги муаммолар ва уларнинг ечилимига бағишланган слайдлар намойиш этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар 5 шўбага бўлинган ҳолда табиий фанлар кесимида лаборатория машғулотларини кузатдилар.

9 номинация бўйича 23-, 9-, 12-, 14-, 11-мактаб жамоалари ўзлари ташкил этган кўргазмалар, деворий газеталари учун туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Р.ЎРИНОВ,
Тошлоқ туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими табиий фанлар услубчиси

АХБОРОТ-РЕСУРС ХИЗМАТИ

уни ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни муҳим

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида «Ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини ривожлантириш» мавзусида Республика ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мазкур тадбирда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарлари, худудий бошқармаларнинг ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул ходимлар, ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, оператор-дастурчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорлари иштирок этди.

Дастлаб иштирокчилар «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»-ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011—2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида»-ги қарорида белгиланган вазибалар шунингдек, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарининг ахборот-ресурс марказларида тарғиботини ташкил этиш бўйича тавсиялар билан танишдилар.

— Ушбу ўқув семинаридан мақсад электрон кутубхоналарнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси билан соҳа вакилларини янада яқиндан таништиришдир, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, бўлим бошлиғи Абдурашид Авлиёқулов. — Шунинг билан бирга улар тадбир давоми-

да Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг корпоратив ахборот тармоғи ва электрон кутубхоналарнинг ўзаро боғланиши, ундан фойдаланиш ҳамда ахборот беришининг инновацион шаклларини жорий этиш билан ахборот хизматини йўлга қўйиш бўйича ҳам маълумот ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар.

Навбатдаги кунда семинар Тошкент алоқа коллежида давом этди. Мазкур касб-хунар коллежи мутахассислари коллежда ахборот-коммуникация технологияларининг ўқув жараёнига татбиқ этилиши, адабиётларнинг электрон нусхаларини тайёрлаш борасидаги ўз тажрибаларини қатнашчилар билан ўртоқлашишди. Айниқса, «Фонднинг инвентар ва жамлама ҳисоботининг электрон дастури» мавзусидаги ушбу касб-хунар коллежи ўқитувчилари томонидан тузилган янги дастур тақдими иштирокчиларни фарқ қолдирмади. Куннинг иккинчи ярмида эса Тошкент ахборот технологиялари ва саноат касб-хунар коллежлари тажрибалари ўрганилди.

Тадбир якунида ушбу ўқув-услубий семинар хар бир худуддаги таянч ахборот-ресурс марказлари базасида ҳам ташкил этилиши, олинган билим ва маълумотлар жойлардаги академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида фаолият олиб бораётган АРМ ходимларига етказилиши келишиб олинди. Худудий семинарларнинг илк машғулотини Тошкент вилоятидаги Занგიноа агросервис касб-хунар коллежида ўтказилди.

Аббор УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ ТОТУВЛИГИ

бунга маҳалла ва оилада алоҳида эътибор қаратилмоқда

Маҳалла ҳар бир оиланинг қувончу ташвишларига бирдек шерик бўладиган, муаммоларини бартараф этадиган, ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топишида оилаларга кўмаклашадиган тарбия ўқовчидир. Мен ўсиб-ўлғайган маҳаллада ҳам шундай муҳит ҳукмрон. Маҳалламиз фаолларининг барча оилалар билан ўзаро ҳамкорлиги сабаб ёш оилаларнинг тотув турмуши кечириб, оёққа туриб олишига кўмаклашилмоқда. Ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Маҳалламизда оилалар турмуш фаровонлиги ва маданиятини ошириш бўйича ҳам бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Аҳоли ўртасида тиббий, ҳуқуқий, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Маҳалла аҳли, оилалар «Энг обод хонадон», «Ҳовлимизни гулзорга айлантирамиз» кўрик-танловлари ҳамда «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда

Бугунги кунда талабамам. Бу муваффақиятимда ҳам, албатта, маҳалламиздаги ҳамда оиламиздаги фаровонлик, тўқсиз шароит муҳим омили бўлди десам ҳеч қандай муболага қилмаган бўламан. Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустақкам оила йили» деб эълон қилиниши эса мен каби ёшларнинг қалбида оилага, маҳаллага нисбатан ҳурматни, меҳрни янада оширгани шубҳасиз.

Наргиза ШУКУРОВА,
Навоний давлат педагогика институтини талабаси

Ona tili ta'limining asosiy maqsadlari savodxonlik, og'zaki va yozma nutq, fikrni o'q'ovchi va maqsadga muvofiq ifodalay olishni rivojlantirishdan iborat. Ma'lumki, fikrni bayon etish nutq orqali amalga oshadi. O'quvchida tafakkur qanchalik rivojlansa, uning fikrni bayon qilish mahorati ham shuncha yuqori bo'ladi. Darsning ko'p qismini ijodiy fikrlashga qaratish bosh vazifa! O'quvchilar qancha mustaqil fikrlasa va shu fikrni to'g'ri, ravon ifodalay olsa, darsdan kutilgan natijaga erishgan bo'lamiz.

Ona tili darsini boshqa fanlar bilan bog'lab o'qitishning ahamiyatini pedagogik tajribamda ko'p bora sinab ko'rganman. Ona tili darsini qiziqarli, nutqiy ko'nikmalarni rivojlantirish maqsadida iqtisod, biologiya kabi fanlarga bog'lab o'tishni 2 soatlik dars orqali tanishtirib o'tmoqchiman.

Birinchi dars. 6-sinfda «Fe'llarning ma'noviy guruhi» mavzusini iqtisod fani bilan bog'lab, quyidagi reja asosida olib borish mumkin.

Reja:

1. Yangi mavzu bayoni.
2. Matn ustida ishlash.
3. Og'zaki nutq rivoji uchun savol-javob.

Sinab ko'ring

«Anor-anordoshlar oilasiga mansub kichik daraxt. Bargi qalin, biroz yaltiroq. Mevasi tarkibida limon

ONA TILI DARSIDA FANLARARO UYG'UNLIK

Yangi mavzuni tanishtirish daqiqalarida mavzu haqida ma'lumotlar berish bilan birga har xil usullar orqali o'quvchilarning darslarda olgan bilimlari sinalladi, yangi mavzu mustahkamlanib boriladi. Bu haqda alohida to'xtalmasdan, diqqatingizga iqtisod fani bilan bog'liq dars jarayonini havola etmoqchiman. Reja asosida 2-qismda quyidagi matn ustida ishlanadi:

«Kunlarning birida, kechasi bir boy daryodan o'tayotganida suvga 10 tanga puli tushib ketdi. Shunda boy ishchi yollab, pullarning hammasini topishni buyurdi. Buni kuzatib turgan bir kishi bu ishning foydasidan zarari ko'pligini, odam yollash, mash'ala sotib olish uchun ko'p pul sarflanishini aytdi...».

O'quvchilarga topshiriqlar.

1-topshiriq. Matndagi fe'llarni aniqlang.

(O'qituvchi eslatma sifatida «Fe'l deb nimaga aytiladi?» «Ular qanday so'zlar orqali aniqlanadi?» kabi savollar bilan o'quvchilarning diqqatini tortsa maqsadga muvofiq).

2-topshiriq. Fe'llar gapda qaysi gap bo'ladi bo'lib kelgan?

(O'qituvchi: Xo'sh, bolajonlar! Qanday gap bo'laklarini bilasiz?..)

3-topshiriq. O'quvchilarga iqtisodiy tarbiya ahamiyatli ekanligi hisobga olinib quyidagi savollar beriladi:

1. Kuzatuvchining gapini siz qanday baholaysiz?
2. Boyning o'rvida siz nima qilar edingiz?

Bu jarayonda o'quvchilar diqqatini jamlab eshitishtirish, matndagi kerakli so'zni aniqlab, daftarga yozishlari lozim.

Hayotda uchraydigan narsa, hodisalarga o'z munosabatlarini bildirishga o'rgatar ekanmiz, o'quvchi fikrini aniqlab, so'ngra boy javobini o'qib eshittiramiz:

«Boy kuzatuvchi fikriga e'tiroz bildirib, aytdi:

— Bu ishda xasislik qilish kerak emas, chunki sarflangan pul yo'qolib ketmaydi, kishilarga foyda keltiradi. Suvga tushgan pul esa butunlay yo'q bo'lib ketadi».

Bu dars orqali o'quvchilarning fe'l so'z turkumi mavzusi yuzasidan olgan bilimlari mustahkamlanadi, fe'llarning ma'noviy guruhi mavzusi bilan tanishib, tahlil qilinadi, iqtisodiy fikrlash qobiliyatlari mustahkamlanadi. Ya'ni, eng asosiysi, bolalarda insonparvarlik, saxiylik va o'zlariga rahm-shafqat kabi tuyg'ular shakllantiriladi.

O'quvchilarda mustaqil fikrlash, o'z fikrini bayon qilish ko'nikmalari yanada rivojlanadi.

Ikkinchi dars. «Sifat darajalari» mavzusini biologiya, tabiat fani bilan bog'lab o'tish mumkin. Ma'lumki, yangi mavzu mustahkamlanganda matn ustida ishlaymiz. Tarqatmalardan biri tanlanadi. Bunda, misol uchun, «Anor» matni bilan tanishamiz. Matn ikki marotaba o'qib eshittiriladi.

«Anor-anordoshlar oilasiga mansub kichik daraxt. Bargi qalin, biroz yaltiroq. Mevasi tarkibida limon

kislotali bor. Anor mevasidan tayyorlangan qaynatma ichketar kasalligiga davo. Po'stlog'idan olingan qaynatma gijja tushirish xususiyatiga ega. Ichak kasalliklari uchun shifobaxsh».

1-topshiriq.

«Anor» matnini to'ldiramiz.

Mevasi tarkibida _____ bor. Anor mevasidan tayyorlangan qaynatma _____ kasalligiga davo, po'stlog'idan olingan qaynatma _____ tushiradi. Guli _____ chiroyli.

2-topshiriq.

Jadvalni to'ldiramiz.

Oddiy daraja	Qiyosiy daraja	Orttirma daraja
Kichik	Sal yaltiroq	Juda chiroyli

Bu matndan sifat darajalari aniqlanadi va shu bilan birga o'simliklar dunyosidan anor bilan tanishiladi. Bu yoshdagi o'quvchilar juda sinchkov, kuzatuvchan bo'lishadi. O'rgangan bilimlari yodlarida mustahkam saqlanib qoladi.

Pedagogik tajribamdan kelib chiqib aytishim mumkin, mavzularni fanlararo uyg'unlikda tushuntirish o'quvchi uchun yanada qiziqarli bo'lib, savol-javoblarda ishtiroklari ham yanada faollashishini kuzatish mumkin. Bu jarayonda o'quvchining fikr doirasi kengayadi, boshqa fanlarda o'tilgan mavzularni ham esga oladi...

Gulnoza ALLAYAROVA,

Urganch shahridagi

11-umumta'lim maktabining

ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА



Умумий ўрта таълим мактаблари 6-синф физика фанидан ўқитувчилар учун илмий-услубий қўлланма нашрдан чиқди. Ушбу методик манбадан фойдаланган ҳолда ўқитувчи дарсларни самарали ташкил этиши ва ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартлари асосида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишига эришиши мумкин. Қўлланмада ўқитувчилар учун меъёрий ҳужжатлар, лаборатория жиҳозлари таснифи, ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари, тестлар ва қизиқарли материаллар келтирилган. Шунингдек, тақвимий-мавзуйи режалаштириш, дарснинг технологик харитасини тузишга доир тавсияларнинг мавжудлиги ўқитувчи учун фойдалидир. Фанлараро боғлиқлик ўқувчининг мавзунини осон ўзлаштиришига кўмаклашади. Шу маънода қўлланмада физика фанини математика, кимё, биология, география, меҳнат ва ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўқитиш юзасидан ҳам тавсиялар берилгани ўзига хос аҳамиятга эга. Бундан ташқари, дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш турлари (илмий, методик, дидактик, умумпедагогик, психологик) тўлиқ очиб берилган бўлиб, бу ҳам методистлар, муассаса раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларни эътиборсиз қолдирмайди.

Физика фанидан 6-синфда ўтказиладиган дарсларда тажриба-намоишлар кўрсатиш ва лаборатория ишларини бажаришда зарур бўлган ўқув-лаборатория жиҳозлари таснифи, фойдаланишда риоя қилинадиган хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси қоидалари батафсил ёритилган. Дарсларни қизиқарли ташкил этиш мақсадида физика фанидан яратилган электрон дарслик, ўқув фильмлар, виртуал лаборатория ишларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўтиш методикаси келтирилгани ҳам айтиш мумкин.

Табиийки, ўқувчилар билимига баҳо бериш ҳам ўқитувчидан алоҳида маҳорат ва касбий малака талаб қилади. Ушбу илмий-услубий қўлланмада эса ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартлари асосида ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг турли методлари (тестология, физик диктантлар, ёзма масалалар ечиш, амалий ишлар) аниқ мисоллар орқали очиб берилган. Чоракларни якунлашда фойдаланиладиган тест топшириқлари ва масалалар тўлаими келтирилган.

Шу билан бирга, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, турли танловларда иштирок этиш, олимпиадаларга ўқувчиларни тайёрлаш бўйича тавсиялар ва дидактик материаллар мужассам.

М.ТИЛЛАБОВА,

Республика таълим маркази табиий ва аниқ фанлар бўлими бошлиғи

БАРКАМОЛ ЁШЛАР МАСКАНИ

Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, таълим сифатини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётир.

Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 2-Нукус академик лицейида аниқ ва табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, чет тиллари филологияси йўналишлари бўйича 727 нафар ўғил-қиз сабоқ олмоқда. Замонавий таълим масканида барча ўқув жиҳозлари ва кўргазмали қуроллар билан таъмин-

ланган синф хоналари, дарслик ва турли адабиётлар, компьютер техникаси ўқувчилар ихтиёрида. Спорт секциялари фаолияти кенг йўлга қўйилган.

Суратда: лицей ўқувчилари.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат.



Транспорт шаҳар ҳаётининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда инсон саломатлиги ва атроф-муҳит билан боғлиқ сон-саноксиз муаммоларнинг манбаи ҳамдир. Шифокорлар фикрига кўра, ҳаво ифлосланишининг асосий сабабчиси аввал ҳисобланганидек, ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари эмас, балки узогимизни яқин қилаётган автотранспорт воситалари экан.

Швециялик олимларнинг яқинда ўтказган тадқиқотлари натижасида автомобиль ҳайдовчилари ва жамоат транспорти йўловчилари мунтазам равишда стрессдан азият чекиши маълум бўлди. Уларда уйқусизликдан безовталаниш ёки сурункали чарқоқчи ҳис қилиш каби ҳолатлар пиёда юривчиларга нисбатан кўпроқ учрайди, дея огоҳлантирмоқда мутахассислар.

кўради. Негаки, Ернинг тортишиш кучи инсоният қўли билан яратилган жамики кашфиётлардан устун.

БЎШ ЖОЙЛАР — АВТОМОБИЛЛАРГА
«ФизОрг» манбаси маълумотига кўра, автотранспорт воситалари тутуни орқали атмосферага жами 12 миллион 190 минг тоннадан ортиқ зарарли модда ажралиб чиқади. Бензин ёниши

моқда. Енгил автомобиллар эса, аксинча, бир нафар йўловчини манзилига элтиш учун сарф қиладиган қуввати ва ҳавонинг тозаллигига етказадиган зарари нуқтаи назаридан, транспорт воситалари орасида етакчидир.

КАСАЛЛИКЛАР САБАБИ

«Википедия» электрон энциклопедиясининг 2011 йил июлидаги маълумотига кўра, атмосферадаги исгазининг 65 фоизи транспортга, 21 фоизи майда истеъмолчилар ва маиший секторга, қолган 14 фоизи эса ишлаб чиқаришга тўғри келар экан. Маълумот учун айтиб ўтамиз, исгази нафас йўллари орқа-

хавфлидир. Бу вақтда ҳавода заҳарли газлардан иборат қуюқ тутун қатлами ҳосил бўлади. Болалар, катта ёшли одамлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар учун бундай ҳаводан нафас олиш жуда хавфли. Шунингдек, иш фаолиятининг асосий қисмини транспортда ёки автомагистраллар яқинида ўтказадиган одамларда касалланиш хавфи юқори. Жаҳоннинг етакчи шифокорлари 10 йилдан сўнг бундай кишиларда ўпка билан боғлиқ муаммолар вужудга келиши мумкин, деган тахминни илгари суришмоқда.

Бундан ташқари, пневмония ҳолатларининг 30

Bilasizmi?



йил кам умр кўради. Фактлар ҳақиқатни ошқор этаркан, улардан кўз юмишимиз эмас, балки имкониятимиз даражасида салбий оқибатларни юмшатиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Ахир

ЭХТИЁЖЛАР ЧЕГАРАСИ

ёхуд яратилган қулайлик қачон зарарга хизмат қилади?



ЧЕКСИЗ ЭХТИЁЖЛАР ОҚИБАТИ

Транспорт кўп қувват сарфлаш баробарида ўндан ортиқ зарарли газ турлари, хусусан, углевод оксиди ҳамда глобал иситишни тезлаштирувчи иссиқхона гази билан атрофдаги ҳавони заҳарлайди. Бу ер, ҳаво ва сув транспорт воситаларининг ички ёниш двигателларида катта миқдорда қазилма ёнилғи турлари(асосан, бензин, керосин ва дизель ёнилғиси)нинг ёқилиши натижасида содир бўлади.

БМТнинг 2011 йил февраль ойида ўтказган сўрови натижаларига биноан, АҚШ автомобиль эгалари сони жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туриши маълум бўлди — океанorti мамлакатида ҳар минг одамга 765та автомобиль тўғри келаркан. Иккинчи ўриндаги давлат — Люксембургда минг одамга 686та, Малайзияда эса 641та автомобиль тўғри келиши аниқланди. Аҳоли ва унинг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжи кун сайин ортиб бораётгани равшан, аммо масаланинг яна бир чигал томони борки, бу эҳтиёж табиат софлигига кучли ва қақшатқич зарба берадиган даражада катта. Шундан бўлса керак, баъзи шифокорлар транспорт воситаларини сайёрамиз танасидаги саратон ўсимталарига қиёслашмоқда ва бу хавотир асоссиз эмас: автомобиллар, ёнилғи-мойлар, қопламалар, йўл қурилиши, қолаверса, автомобиль инфратузилмасининг бошқа объектларини ишлаб чиқишда ҳам биринчи навбатда табиат, иккинчи ўринда одамларнинг ўзи жабр



жараёнида ҳавога тарқалган азот ҳамда олтингурут оксидларидан кислотали ёмғирлар ҳосил бўлади. Транспортнинг атроф-муҳитга салбий таъсири сифатида, шунингдек, автомобиль ювиш шаҳобчалари, авто-тўхташ жойлари ҳамда қатнов йўлларида оқиб келувчи заҳарли чиқиндиларнинг оқова сувларга қўшилиб кетиши, турар жой худудларининг қисқариши (замонавий шаҳарлар майдонининг 50 фоизга яқин қисми йўллар, тўхташ жойлари, гараж ва ёнилғи қуйиш шаҳобчалари учун ажратилади) каби ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Тўғри, жамоат транспорти ва транспортнинг моторсиз турлари (масалан, велосипед) экология учун нисбатан зарарсиз ҳисобланади, негаки юқоридаги каби муаммоларни келтириб чиқармайди. Қолаверса, бу борада олиб борилган зарарли моддалардан аксарият ҳолларда бурун бўшлиғи ва унга туташган аъзолар зарар кўради. Автомобиллар, айниқса, ўт олаётган ёки тирбандликда қолиб кетган пайтда

фоизи, кучли респиратор касалликларининг учдан бири, бронхиал астманинг 20 фоизга яқини ифлосланган ҳаводан нафас олиш туфайли келиб чиқади. Агар атроф-муҳит ифлосланиши мана шу суръатда давом этса, XXI аср охирига бориб, Ердаги ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ўртача 6 даражага ошади. Британиялик тадқиқотчилар фикрига кўра, ушбу кўрсаткич белгиланган чегарадан анча юқори, бироқ яқин орада сайёрамаида сезиларли иқлим ўзгаришлари кутилаётгани йўқ.

ҲАВО СОФЛИГИ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Аёнки, жаҳондаги экологик вазиятнинг кескин



тус олиши одамлар саломатлигининг ёмонлашиши, ўртача умр кўриши ёшининг қисқаришига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотларига кўра, мегаполис аҳолиси унинг ташқарисида яшовчиларга нисбатан 4

экология деганда, озон қатламининг емирилиши ёки океанлардаги балиқларнинг ўлимига назарда тутилмайди, атроф-муҳит тозаллиги бу, аввало, биз ва бизга яқин инсонлар саломатлигидир.

Транспорт воситалари оғиримизни енгил қилади, ким учундир улар беминнат ёрдамчи, ким учундир тўқислик рамзи. Автомобиллар билан бирга улардаги фенол, формальдегид, азот ва аммиак диоксиди сингари инсон саломатлиги учун хавф туғдириши мумкин бўлган юзлаб кимёвий бирикмаларга ҳам кўникиб улгурганмиз. Чунончи, улкан шаҳарда яшовчи одам ҳар кун ирта ҳисобда 500 миллиардга яқин чанг зарраларини ютар экан. Улардан

ҳимояланишнинг энг осон йўли — бурун бўшлиғи гигиенасига rioya қилиш. Боси, бактерия ва вируслар организмни тўла ишғол этиши учун 4—8 соат вақт керак, бу вақтдан унумли фойдаланиш қийон.

Висола ҚАРШИБОВА,
«Ma'rifat» мухбири




ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Навқирон авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол этиб тарбиялаш — давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан. Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуаси ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилаётган спорт муассасаларидан бири.

Стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва спорт залларини ўз ичига олган ушбу иншоот замонавий спорт анжомлари билан таъминланган.



Бу ерда ёшлар бокс, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, бадий гимнастика, қўл тўпи, сузиш, волейбол, баскетбол сингари спортнинг 14 тури



билан шуғулланиш имкониятига эга.

600 нафардан зиёд ўғил-қизлар бўш пайтларини самарали ўтказаятган спорт мажмуасига ўттизга яқин тажрибали мураббий

жалб қилинган. Кенг имкониятлар ва мураббийлар кўмағида чемпионлик сари интилаётган спортсевар ёшларнинг иштиёқига, шижоатиға ҳавас қилса арқин тажрибали мураббий

Суратларда: «Баркамол авлод» спорт мажмуаси машғулотларидан лавҳалар акс этган.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. G-118.
Tiraji 55361.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

© belgisi ostida reklama materiallari beriladi. Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Nasiba ERXONOVA.

Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 22.40
Uza jaxuni — 22.22